



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 6 июль, № 131 (5805)

Шанба

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муस्ताқил Ўзбекистон!



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

5 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида депутатлар қонун лойиҳаларини кўриб чиқишни давом эттирдилар.

Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Улар илгари ўз мажлисларида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, қонун лойиҳаларини кўриб чиққан эдилар.

“Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида мазкур қонун лойиҳаси Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилганини қайд этилди. Қонун лойиҳаси экологик назоратни амалга оширишда, мамлакатимиз минтақаларида атроф-муҳитни ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги вазиятнинг мониторингини олиб боришда жамоатчиликнинг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини янада оширишга, экологик назоратни амалга ошириш тизимини такомиллаштиришга ва назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини яратишга, бу соҳада экологик нодавлат нотижорат ташкилотлари, идоравий, ишлаб чиқариш ва экологик назорат хизматларининг ваколатларини ҳамда ушбу соҳада уларнинг ўз вазифаларини амалга ошириш тартибини белгилашга, экологик назорат тўғрисидаги қонун ҳужжати бузилганлиги учун экологик назорат ва жавобгарликни таъминлашга доир талабларни белгилашга қаратилган.

ЎзЛиДеП фракцияси вакиллари қайд этишича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, биринчи навбатда, фуқаролик жамияти институтларининг, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш тизимида иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш имконини беради. Ушбу партия депутатларининг фикрича, миллий амали-

ётга жамоатчилик экологик назорати институтининг киритилиши мазкур қонун лойиҳасининг асосий ўзига хос ва ноёб жиҳатидир. Фуқаролик жамияти институтларига Экоҳаракат билан ҳамкорликда экологик назоратнинг жамоатчилик инспекторлари институтини шакллантиришда ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этишда услубий ва ташкилий-амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатлар берилди.

Фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишга тааллуқли масалалар бўйича қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этишга доир ҳуқуқлари мустаҳкамланмоқда.

ЎзЛиДеП фракцияси қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлади. ЎзДП фракцияси депутатлари эътироф этганидек, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар уларни атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш жараёнига кенгрок жалб қилишга қўмақлашди.

Шу муносабат билан экологик назоратни амалга оширишда, атроф-муҳитни ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида мамлакат минтақаларидаги вазият мониторингини олиб боришда жамоатчиликнинг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини янада оширишни таъминлаш, назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизминини яратиш, давлат органлари, экологик нодавлат нотижорат ташкилотлари, идоравий, ишлаб чиқариш ва экологик назорат хизматларининг ваколатларини ҳамда уларнинг ушбу соҳада ўз вазифаларини амалга ошириш тартибини белгилаш долзарб масала, деб таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).



Шоирот ШАРАПОВ ойнаётган сурат.

Юксак эътибор ифодаси

Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ёш истеъдод соҳибларини кашф этишда муҳим ўрин тутати.

ИФТИХОР

Ислохотлар самараси, айниқса, мусиқа ва санъатга йўналтирилган ўқув муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамлангани, ўқитиш сифати яхшиланиб, ноёб иқтидор эгаларининг қўлга киритаётган ютуқларида яққол намоён бўлмоқда. Бизнинг Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи ҳам ёшларимизга мусиқа ҳамда тасвирий ва амалий санъат сирларини мукамал ўргатишда бой тажрибага эга. Бугун ўқувчиларимиз орасида

нуфузли халқаро танловлар ғолибларининг борлиги уларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик, яратилаётган имконият, эътибор ва рағбат натижасидир. Улар эришяётган муваффақиятларини таҳлил этадиган бўлсак, ўтган йили ўқувчиларимиз П. Шодмонов, Ш. Оллобердиев, З. Жўрабоев Италиянинг Фермо шаҳрида бўлиб ўтган ёш ижрочиларнинг X халқаро кўриқ танловида иштирок этиб, зарбли мусиқа асбоблари йўналишида жамоалар ўртасида ғолиб-

ликни қўлга киритди. Жорий йилда эса 8-синф ўқувчиси Нилуфар Атаназарова Венецияда ташкил этилган халқаро танловда флейта чолғу асбоби ижроси бўйича совриндор бўлди. Шунигиндек, лицей ўқувчиси Абдулазиз Раҳимбердиев Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги ёш мусиқачиларнинг VIII халқаро танловида ўнлаб давлатлардан келган иштирокчилар ўртасида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Айтиш керакки, юртимизда ўтказилаётган кўплаб танлов, фестиваль ва маросимлар ҳам ёш истеъдод соҳибларининг кашф этилишига хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

АНЖУМАН

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2013 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти яқунлари ва иккинчи ярим йилликда белгиланган режаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Жамоатчилик кенгаши фаолиятига бағишланди

Маълумки, мазкур Кенгаш давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгаши тузиш тўғрисида”ги қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, ўз фаолиятини жамоатчилик йўли билан амалга ошириши белгиланган. Хусусан, Кенгаш ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший ва хизмат шароитларини яхшилаш, захирага бўша-тилганларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминлашини назорат қилади.

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИГА ХОС МАДАНИЯТГА, БЕКИЁС, КЎҲНА ВА ЗАМОНАВИЙ МЕЪМОРЧИЛИККА ЭГА БЎЛГАН АЖИБ БИР МАМЛАКАТДИР»

Версаль Олий миллий меъморчилик мактабида ушбу ўқув муассасаси талабаларининг ўзаро алмашув дастури доирасида Ўзбекистонга уюштирилган сафар яқунлари бўйича амалга оширилган ишларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Олий миллий меъморчилик мактаби ўқитувчилари ва талабалари ҳамда Версаль шаҳри маъмуриятининг вакиллари қатнашди.

ЭЪТИРОФ

Маълумот тариқасида айтиш жоизки, ҳар йили Франциялик бўлажак архитекторларнинг юртимиз меъморчилиги ва замонавий шаҳарсозлик санъати сирларини ўрганиш мақсадида Версалдан Ўзбекистонга сафар уюштириш яхши анъанага айланган. Ўз навбатида, Тошкент архитектура ва куриелиш институти талабалари ҳам ҳар йили Франция меъ-

морчилигининг ўзига хос хусусиятлари билан танишиш учун ушбу мамлакатга боришади. Бу икки олий ўқув юрти ўртасидаги ўзаро сермахсул академик алоқалар 2009 йили имзоланган Ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида тобора ривожланиб бормоқда.

Тақдимотнинг очилган маросимида сўзга чиққан Версаль Олий миллий меъ-

морчилик мактаби ректори Винсент Мишель талабалар ва ўқитувчилар алмашуви шаклида ҳаётга татбиқ этилаётган бундай ўқув амалиёти Ўзбекистон — Франция ўртасидаги ўзаро манфаатли шерикликнинг ҳамда маданий-гуманитар муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Истиқлол сурури

Томди тумани ҳақида гап кетганда, кўпчилик кўз ўнгида тап-тақир сахро, қўй-қўзию яқкам-дуккам ўтовлар жонланади. Аслида, бундан илгирми йил олдин туманимиз қиёфаси худди шундай эди.

МЎЪЖИЗАЛАР РЎЁБИ

Истиқлолнинг қадами қутлуғ келди. Туманимиз шаҳардек биноий, чиройли, гаштли бўлди. Яқинда овулимизга мобил алоқа станцияси ўрнатилди. Эндиликда интернет имкониятларидан тўлиқ фойдаланаямиз. Невараларимдан бири овулимизнинг суратларини интернетга жойлаштириш ниятида. “Бобо, дунё кўрсин, ҳавас қилсин”, дейди тушмазур. Қаранг-а, дунё билан юзлашмаямиз. Ақлбобар қилмайдиган янгиликлар биз учун одатий ҳолга айланди. Биз томонларга яхши ният билан келган бир хорижлик сармоядорнинг гапи тез-тез ёдимга тушади. У “Ўзбекистон — афсоналарни ҳақиқатга айлантираётган мамлакат”, деганди.

Унинг сўзлари менга қаттиқ таъсир қилди. Ҳар замон кўпчиликнинг ичиди шундай деб қоламан: опа-инилар, опа-сингиллар, бўш келишга ҳаққимиз йўқ. Бундан кейин ҳам афсоналарни ҳақиқатга айлантира-верайлик. Ахир биз мўъжизалар яратишга қодирмиз!

Серикбай САҒАТОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Томди туманидаги «Шиел» овул
фуқаролар йиғини фаоли.

Изчил ривожланиш кафолати

Мамлакатимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнида, биринчи навбатда, паст рентабелли ҳамда зарар кўриб ишлаётган корхоналарни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

ТАДБИР

Бунинг учун ана шу ҳужалик юритувчи субъектларга салоҳият-ли инвесторлар жалб этилиб, уларнинг фаолияти қайта тикланапти. Натижада қўшимча иш ўринлари яратиш, ички ва ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш имкониятлари эшиги янада кенгрок очилмоқда.

Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда алоҳида таъкидланди.

Унда сўзга чиққанлар Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур қўмита томонидан ўтган қисқа давр ичида хусусий тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш орқали молиявий соғломлаштириш дастурларининг ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келинаётганини қайд этиб ўтди. Худудлардаги камқувватли корхоналарни, курилиши тугалланмаган ва бўш турган объект-

ларни аниқлаш бўйича ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Бунинг самараси ўларок, республикамиз бўйича 10 мингга яқин шундай корхона ва объектлар негизда ишлаб чиқариш тиклаш бўйича таклифлар тайёрланди.

— Шундан 8 мингдан ортиқ корхона ва объектларни молиявий соғломлаштириш кўзда тутилган, — дейди қўмита раисининг ўринбосари Абдусамат Ҳимматов. — Бундан ташқари, бўш турган 290 та давлат объектини хусусийлаштириш, 263 тасини инвестиция кириштириш ва иш ўринлари яратиш шарти билан тадбиркорларга “ноль” қийматида сотиш, 160 дан кўпрогини самарали фойдаланиш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотларига бериш, 138 тасида марказлаштирилган маблағлар ҳисобига курилиш ишларини яқунлаш ҳамда 232 та объектни тадбиркорларга ижарага ажратиш таклифлари ишлаб чиқилди.

(Давоми 3-бетда).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТЛАРИ
КЎПАЙМОҚДА

2013 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, мамлакатимизда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари ҳажми

39,5

миң тонна
ташкил қилди.

Кейинги йилларда асосий экин майдонларидан ташқари, оралик ерларда сабзавот экинларини парваришлаш йўлга қўйилгани, аҳолининг шахсий томорқа ҳужалиқларида замонавий иссиқхоналар бунёд этилаётгани номасумий муддатларда ҳам мўл-қўл дала неъматлари етиштириш имконини бермоқда.

БИР
РАҚАМ
ШАҲРИ

XXVII ЖАҲОН УНИВЕРСИАДАСИ



Бугун Россиянинг Қозон шаҳрида XXVII Жаҳон универсиадада бошланади. Ушбу нуфузли мусобақада 170 га яқин мамлакатдан келган талабалар спортнинг 27 тури бўйича 351 медаллар жамланмаси учун баҳсга киришади. Универсиадада 55 нафар ҳамюртимиз совринли ўринлар учун кураш олиб боради.

Ватанимиз байроғини баланд кўтарамиз

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз бу каби йирик спорт анжуманларида юрт шаънини улуғлашга қодир спортчиларни тайёрлаш борасида катта тажрибага эга. Жумладан, Президентимиз томонидан асос солинган ва мунтазам равишда ўтказиб келинаётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари нафақат ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар сифатида тарбиялаш, балки улар орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган истеъдодларни саралаб олишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон универсиадада иштирок этадиган атлетларимизнинг аксарияти ана шу спорт ўйинларида қатнашиб, ўз иқтидори ва маҳорати билан мутахассислар эътиборига тушган шижоатли ёшлардир.

Айтиш жоизки, ҳар икки йилда бир марта ташкил этиладиган мазкур мусобақа дастлаб 1959 йил Италиянинг Турин шаҳрида ўтказилган, унда дунёнинг 45 мамлакатидан 965 нафар спортчи совринли ўринлар учун беллашган эди.

Эзи Олимпиада ўйинларидан сўнг Жаҳон универсиадаси энг кўп спортчилар жам-

ланадиган йирик спорт анжумани саналади. Буни жорий йилги баҳсларда 13 минг нафар атлет иштирок этаётгани ҳам кўрсатиб турибди. Улар орасида Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари голиб ҳамда совриндорлари бор. Бу эса ҳар бир беллашув мурасасиз ўтишидан далolatдир.

Ўзбекистонлик спортчилар 1999 йилдан бери Жаҳон универсиадада қатнашиб келмоқдалар. Ўша йили Испаниянинг Пальма-де-Мальорка шаҳрида ўтказилган мусобақада олти нафар дзюдочимиз совринли ўринлар учун кураш олиб борганди. 2001 йил Пекин (Хитой), 2003 йил Тогу (Жанубий Корея), 2005 йил Измир (Туркия), 2007 йил Бангкок (Таиланд), 2009 йил Белград (Сербия) ва 2011 йил Шэньчжэнь (Хитой) шаҳарларида ташкил этилган

беллашуларда спортчиларимиз томонидан 5 та олтин, иккитадан кумуш ва бронза медаллари кўлга киритилган. Уларда вакилларимиз спортнинг дзюдо, теннис, оғир атлетика, бадий гимнастика ва енгил атлетика турлари бўйича баҳсларда ўз маҳоратларини намойиш этишганди.

XXVII Жаҳон универсиадада эса ҳамюртларимиз спортнинг бокс, белбоғли кураш, бадий гимнастика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, дзюдо, самбо, оғир атлетика, эркин ва юнорум кураши, енгил атлетика турлари бўйича ўз имкониятларини синовдан ўтказдилар. Мусобақада иштирок этадиган ўзбекистонлик атлетлар орасида ҳам Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари голиб ҳамда совриндорлари бор. Муҳими, вакилларимизнинг мазкур мусобақага муносиб ҳозирлик кўриши учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароит яратиб берилди.

— Жаҳон универсиадада биринчи бор иштирок этишимизга қарамай, ўз олдимизга юқори мақсадларни қўйганмиз, — дейди бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Марс Қўжоров. — Тайёрликни ҳам пухта олиб бордик. Ҳозир шогирдларимизнинг жисмоний ва руҳий ҳолатидан кўнглимиз тўқ. Гарчи мазкур мусобақа билан параллел равишда Осиё чемпионати ўтказилаётган бўлса-да, Қозонга терма жамоамизнинг биринчи рақамли спортчилари

рини жалб этганмиз. Натижа-ларимиз ҳам шунга яраша салмоқли бўлади.

— Бўлажак баҳсларга муносиб ҳозирлик кўрдик, — дейди боксчи Элшод Расулов. — Йигитларнинг кайфияти юқори. Универсиадада рақобат ўта кескин бўлади. Шунга қарамай, биз ҳам бор куч ва маҳоратимизни ишга солиб, Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрамига аjoyиб совга ҳозирлашни мақсад қилганмиз.

Эътиборли жиҳати, мазкур универсиада дастурига илк бор белбоғли кураш ҳам киритилди. Миллий спорт туримиз бўйича ташкил этиладиган беллашуларда 31 мамлакатдан полвонлар гиламга чиқиб, 19 та медал учун ўзаро баҳс олиб боради. Ушбу спорт тури бўйича ҳам терма жамоамиз юқори натижаларга умид боғламоқда.

— Терма жамоамиз яқинда Бухорода бўлиб ўтган Универсиада спорт ўйинлари голибларидан таркиб топган, — дейди бош мураббий Шавкат Мирзақуллов. — Шогирдларим билан бу каби йирик спорт мусобақасида биринчи бор қатнашамиз. Шу боис бизда галабага бўлган иштиёқ куч-

ли. Буни жамоанинг барча аъзолари юракдан ҳис этиб туришибди. Мақсадимиз Жаҳон универсиадада миллий курашимиз жозибасини кўрсатиб, совринли ўринлар билан юртва қайтиш.

Шунингдек, мухлис мутахассислар универсиада дастуридан ўрин олган дзюдо, оғир атлетика, енгил атлетика, эркин ва юнорум кураши беллашуларидан ҳам вакилларимиздан юқори натижаларни кўтишмоқда. Чунки мазкур спорт турлари бўйича жаҳонда номдор саналган Ришод Собиров, Яё Имомов, Дилшод Чориев, Мирали Шарипов (дзюдо), Руслан Нуриддинов (оғир атлетика), Ихтиёр Наврўзов (эркин кураш), Элмурот Тасмуродов (юнорум кураши), Юлия Тарасова (енгил атлетика), Жамила Раҳматова (бадий гимнастика) каби истеъдодларимиз баҳс олиб бордилар. Ҳар қандай рақибнинг юрагини бир хапирктирадиган бо муҳир спортчиларимиз имкониятларини мутахассислар ҳам юқори баҳолашган.

— Мусобақада тўрт нафар спортчи билан иштирок этамиз, — дейди оғир атлетика бўйича терма жамоа бош мураббийи Баҳром Абдумаликов. — Шогирдларимиздан икки нафари — Руслан Нуриддинов ва Улугбек Алимов яқинда Остона (Қозонистон) шаҳрида яқунланган Осиё чемпионатида қатнашди. Қўвонarli жиҳати, қитъа биринчилигида Руслан Нуриддинов кетма-кет иккинчи бор Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Унинг Қозонда ҳам совринли ўринни эгаллашга ишончимиз комил.

— Ўтган йили Лондон шаҳрида ўтказилган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида бир оз омадин чоплаганди, — дейди Руслан Нуриддинов. — Шу боис тўртинчи ўринда қолиб кетгандим. Мақсадим — жаҳон универсиадаси олтин медалини кўлга киритиш. Яқинда Осиё чемпионатида иштирок этганимга қарамай, беллашуларга қадар мукамил спорт формани тиклаб олишга вақт ҳам, имконият ҳам етарли бўлди. Ушбу нуфузли мусобақада Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, Президентимизнинг биз, спортчи ёшларга кўрсатаётган беқиёс эътибор ва гамхўрликларига муносиб жавоб қайтармоқчиман.

Фезлиддин АБИЛОВ.

Иштиқлол сурури

Дийдорлашганимизда бир-биримиздан, аввало, соғлиқ сўраймиз. Қариндош-уруғ, дўст-биродар ва яқинларимизнинг саломатлиги билан қизиқамиз.

ФАРОВОН ҲАЁТ САОДАТИ

Сўхбатимиз ниҳоясида ҳам омонлик тилаб хайрлашамиз. Ҳўш, нега шундай?

Чунки инсон учун саломатликдан кўра қимматлироқ бойлик йўқ. Жисм соғлиги, руҳ тетиқлиги, кўнгил хотиржамлиги — қувончу шодлик пойдевори. Пойдеворимиз — бутун, мустақкам бузун. Ибтиҳа мисол — сон мингта.

Фарзандларимиз қадди-қоматиға қаранг: ўғлонларимиз Алтомшкелбат, қизларимиз Барчинойдек. Гўдак ҳали она қорнидаёқ малакали тиббий хизматдан баҳраманд. Нафақат шаҳару туман марказлари, балки чекка ва олис қишлоқларда ҳам энг илгор тиббий ускуна ҳамда жиҳозлар билан таъминланган шифо масканлари аҳоли хизматида.

Тилагим, болаларимиз асло унутмасинлар: Ватан — она. Шу боис жонини бериб, авайлаб, ардоқлаб фарзандларини улайтиради. Уларнинг ёрқин келажасидан умидвор бўлади.

Малика ЭРАЛИЕВА, Янгиқўрғон туманидаги «Исқовот» қишлоқ врачлик пункти мудири, «Энг яхши қишлоқ врачлик пункти — 2012» республика танлови голиби.

Компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

очиқ тендер савдоларини эълон қилади:

ТТ-2013-1. Болалар спорт мажмуаларини қайта жиҳозлаш учун спорт анжомлари ва ускуналарини етказиб бериш (жами 78 номда). Харид миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

Тендер савдоларини ўтказиш бўйича ишчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси белгиланган.

Анжом ва ускуналарни етказиб бериш шартлари ҳамда муддати шартнома Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирилик Газначилиги бўлинмасида рўйхатдан ўтган санадан бошлаб 90 кундан ошмаслиги лозим. Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2013 йил 5 август кун, Тошкент вақти билан соат 15.00 гача.

Талабгорлар тендер савдоларини ўтказиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича қўшимча маълумотларни хар кун (шанба ва яқшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар Болалар спортини ривожлантириш

жамғармасидан олишлари мумкин.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Тел./факс: (8-371) 239-47-69, 239-47-56.

Тендер ҳужжатлари битта тўпламининг баҳоси — 800 000 сўм.

Тендер таклифларини тақдим қилган иштирокчи учун тендерда қатнашиш зақалат суммаси харид баҳосининг 2 фоизини ташкил этади. Зақалат суммаси ҳамда тендер ҳужжатлари учун тўлов буюртмачининг ҳисоб

рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Тендерда юқорида кўрсатилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва/ёки етказиб бериш бўйича шартнома эга бўлган маҳаллий ҳамда хорижий фирма ва ташкилотлар қатнашини мумкин.

Агар хорижий таъминотчилар билан бир қаторда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этадиган бўлса, у ҳолда қонунчиликда ўрнатилган тартибда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нарх-наво соҳасида 20 фоизгача имтиёзли чегирилган қўллаш белгиланган.

ХАРИД ҚИЛИНАДИГАН СПОРТ АНЖОМЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИГА БЕРИЛАДИГАН ЭНГ ЮҚОРИ НАРХ

Т/р	Анжомлар номлари	Ўлчов бирлиги	Бир бирлик анжомга бериладиган энг юқори нарх (сўм)
1.	Футбол тўри	жуфт	143 000
2.	Бурчак байроқлари	дона	15 500
3.	Айланиб ўтиш устунлари	дона	7 000
4.	Енгил атлетика старт колодкаси	тўплам	170 000
5.	Секундомер	дона	30 000
6.	Медицинболлар	1 кг. дона 2 кг. дона 3 кг. дона	6 000 11 400 15 800
7.	Универсал насос	дона	18 000
8.	Ҳисоб ва вақт таблоси	тўплам	7 500 000
9.	Гимнастика скамейкаси	дона	200 000
10.	Баландикка сакраш «ямаси»	тўплам	6 600 000
11.	Баландикка сакраш устуни ва планкаси	тўплам	340 000
12.	Рулетка	дона	52 000
13.	Поролон мат	дона	220 000
14.	Баскетбол устуни (шчит, халқа ва тўр билан)	жуфт	4 850 000
15.	Баскетбол шчит (халқа ва тўр билан)	жуфт	500 000
16.	Баскетбол халқаси учун тўр	жуфт	300 000
17.	Машқ учун шчит (халқа ва тўр билан)	дона	235 000
18.	Шахмат соати	дона	105 000

Т/р	Анжомлар номлари	Ўлчов бирлиги	Бир бирлик анжомга бериладиган энг юқори нарх (сўм)
19.	Ўйин майдони учун волейбол устуни ва тўри	тўплам	365 800
20.	Тросли волейбол тўри	дона	42 000
21.	Ўйин турлари учун хакамлар вишкиси	дона	250 000
22.	Турли тренажёрлар	дона	1 100 000
23.	Умумжисмоний тайёргарлик учун тренажёрлар тўплами	дона	1 250 000
24.	Турли оғирликдаги гантеллар	4 кг. дона 6 кг. дона 8 кг. дона 10 кг. дона	34 000 52 000 61 000 72 300
25.	Сигнал берувчи электрон табло (кураш, бокс)	тўплам	8 600 000
26.	Бадминтон ракеткаси	жуфт	98 700
27.	Бадминтон тўри	дона	63 000
28.	Бадминтон волани	дона	3 300
29.	Швед нарвони	дона	270 000
30.	Гимнастика сакрогичи	дона	9 000
31.	Турли оғирликдаги тошлар	8 кг. дона 16 кг. дона	40 000 75 000
32.	Гандбол дарвозаси (тўр билан)	тўплам	870 000
33.	Гандбол тўри	жуфт	115 000
34.	Гандбол тўпи	дона	35 000
35.	Теннис корти устуни (тўр билан)	тўплам	265 800

Т/р	Анжомлар номлари	Ўлчов бирлиги	Бир бирлик анжомга бериладиган энг юқори нарх (сўм)
36.	Теннис корти тўри	дона	191 000
37.	Теннис тўри учун тиргак	жуфт	58 000
38.	Катта теннис тўпи	дона	7 500
39.	Катта теннис ракеткаси	дона	92 000
40.	Теннис учун хакамлар вишкиси	дона	243 200
41.	Теннис столи (3 дона тўпча, 1 жуфт ракетка ва тўри, қотириш мосламаси билан)	тўплам	520 000
42.	Теннис столи учун тўр	дона	34 000
43.	Теннис столи учун ракетка	жуфт	27 000
44.	Теннис столи учун тўпчалар	дона	995
45.	Гимнастика булаваси	жуфт	30 000
46.	Гимнастика лентаси	дона	30 000
47.	Гимнастика тўплари	дона	34 500
48.	Гимнастика гардиши	дона	8 500
49.	Бокс ринги	тўплам	19 000 000
50.	Бокс кўлоқлари	жуфт	49 000
51.	Бокс машқ кўлоқлари	жуфт	18 000
52.	Бокс қоплари	дона	35 000
53.	Бокс грушаси (груша боксерская)	дона	22 000
54.	Бокс девор қоплари	дона	199 000
55.	Бокс лапалари	жуфт	33 000
56.	Бокс учун занг	дона	46 000
57.	Шашка	дона	37 000
58.	Курашчилар гилами 9x9	тўплам	10 000 000

Т/р	Анжомлар номлари	Ўлчов бирлиги	Бир бирлик анжомга бериладиган энг юқори нарх (сўм)
59.	Машқ маникени	дона	410 000
60.	Куч тренажёрлари	дона	1 200 000
61.	Татами 9x9	тўплам	10 500 000
62.	Сузши кўзойнаги	дона	53 000
63.	Бассейн учун йўлакча	дона	840 000
64.	Сузшига ўргатиш доскаси	дона	21 000
65.	Сув полоси тўпи	дона	152 000
66.	Гимнастика жиҳози (козел гимнастический)	дона	198 000
67.	Туткичи гимнастика оти (конь)	дона	447 700
68.	Таяниб сакраш учун от (конь)	дона	290 000
69.	Гимнастика турниги	тўплам	650 000
70.	Параллел брус араваси билан	тўплам	1 567 800
71.	Гимнастика яккатусини	дона	630 000
72.	Гимнастика депсиниш кўприги	дона	240 000
73.	Гимнастика халқаси (кольцо)	тўплам	450 000
74.	Тирмашиб чиқиш арқони	дона	142 000
75.	Гимнастика таёғи	дона	6 000
76.	Шахмат	тўплам	40 000
77.	Шашка	тўплам	15 500
78.	Армрестлинг столи	дона	245 000

Изчил ривожланиш кафолати

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Уларнинг ижроси юзасидан кўрилаётган изчил чора-тадбирлар эса ҳозирданок ўз самарасини бера бошлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда молиявий соғломлаштириш дастурларига киритилган лойиҳаларга жалб этилган жами инвестициялар ҳажми бир триллион 408,2 миллиард сўмга етди. Унинг 756,2 миллиард сўми тижорат банклари кредитлари маблағлари ҳиссасига тўғри келса, қолган қисми тadbirkorларнинг ўз маблағларидир. Ушбу сармоялар ҳисобига катта ҳажмда қурилиш ва реконструкция қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ишлари бажарилди. Пировардида жорий йилнинг ўтган даврида 22,6 мингта иш ўрни яратилиб, бир триллион 881,7 миллиард сўмлик маҳсулотлар иш-

лаб чиқарилди. Уларнинг 48 миллион АҚШ долларилик қисми экспорт қилинган алоҳида эътиборга моликдир.

Анжуманда, шунингдек, яроқсиз ҳолга келиб қолган объектларни бузиш ҳисобига 350 гектар ер майдони маҳаллий ҳокимиятлар захирасига ўтказилгани қайд этилди. Бу ҳудудлар барча коммуникация тармоқлари билан таъминлангани, логистика хизматлари кўрсатиш учун қулайлигини инобатга олган ҳолда, кичик саноат зоналари ташкил қилиш таклифи илгари суриляпти. Бу эса янги иш бошлайдиган хусусий тadbirkorлик субъектларининг тезда оёққа туриб олиши, ўзаро кооперация алоқаларининг ривожланишига хизмат қилади.

Сайд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Реклама ва эълонлар

Моторные масла и антифризы «PRISTA»

Очевидное превосходство!

TEL: (+99871) 120-67-76
FAX: (+99871) 120-66-88
e-mail: info@prista-oil.uz
www.prista-oil.com

товар сертифицирован

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Бухоро вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти худудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчасида жойлашган, 11 яшаш хонаси, ертўла, айвон, ҳаммом, дарвозахонадан иборат, бинонинг ички ва ташқи қисмлари замонавий усулда таъмирланган 2 қаватли тураржой биноси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 710 997 164 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 1 август кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2013 йил 30 июли кун соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0001.

Иزلаниш



Навоий, Жиззах ва Самарқанд вилоятларини бир-бири билан боғлаб турувчи "Нурота" давлат кўриқхонаси Ёнгоқлисий билан маълум ва машҳур. Сабаби, Нурота туманининг Соб қишлоғидан 12-15 километр узоқликдаги ушбу сой табиатнинг ноёб дурдонаси бўлиб, ёнгоқ ва ўрик пайдо бўлган марказлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам бу ерда 1,5-2 асрлик ёнгоқ дарахтлари сақланиб қолган. Улар минтақанинг қимматбоғ табиий тарихий-маданий объекти сифатида маҳаллий аҳоли томонидан ардоқлаб келинапти.

Ёнгоқлисий

— ўтмиш ва келажак чорраҳасидаги ноёб дурдона

Дарҳақиқат, Нурота тоғ тизмаларида асрларни қаритган қўлаб боғдорчилик намуналари сақланиб қолган. Ёнгоқ, оқ ва қора тут, ўрик, олча, ол-хўри, ток, олма, нок, терак, мажнунтол, қайрағоч, Шарқ чинори шулар сирасига кирилади. Мажнунтол қишлоғидаги азим сарв дарахти эса улар орасида энг йириғидир. Танасига ўн кишининг қулочи етмайди. Қишлоқ аҳолисининг айтишича, унинг ёши мингдан ошган.

нинг 800 га яқин тури аниқлангани шундай дейишимизга асос бўла олади. Бирок улар кам ўрғанилган. Шу билан бирга, судралиб юрувчиларнинг 21, қушларнинг 196 тури ҳисобга олинган.

Бу ерда халқаро "Қизил китоб"га киритилган Северцов ёхуд Қизилқум тоғ қўйлари сақланиб қолгани эътиборга молик. XX асрнинг ўрталарида тарқалиш майдони кескин қисқариши натижасида бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолган бу жониворларнинг сонини қайта тиклаш ва меъёрлаштиришга эришилапти.

Нурота кўриқхонасининг ҳудуди нафақат гўзал тоғли манзаралар, ўзига хос ҳайвонот ва наботот дунёси, балки кўпгина тарихий-маданий обидалари билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, Тикчасой, Асрафасой, Андегенасой, Мажнунтоғ ва Сентобасойдаги петроглифлар, Мажнунтоғ ва Ухум қишлоқларидаги қўрғонлар, шунингдек, турли археологик топилмалар, қадимий ирригация иншоотлари бу ернинг узоқ ва бой ўтмишидан дарак беради.

Умуман олганда, кўриқхонанинг ноёб табиий ресурслари ҳудудда экотуризмни ташкил этиш учун кенг имкониятдир. Ҳозир айна шу масала кун тартибига қўйилмоқда.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Наботот ажойиботлари

Сейшель пальмаси бир йилда атиги 30 донга ёнгоқ ҳосил қилади. Бироқ ҳар бирининг кунгураси 1 метр бўлиб, вазни 25 кг.гача боради. Ажаботури бу ёнгоқлар ўн йилда пишиб етилади.

Ўн йилда пишади


Мальдив ёнгоғи қадимда ниҳоятда қадрланган. Уни эгасига шон-шарҳат келтирувчи бебаҳо нъмат сифатида эътироф этишган. Шу боис бўлса керак, бир донга шундай ёнгоқ учун император Рудольф I Габсбург тўрт минг олтин (гульден) тўлаган.

Канар оролларидаги Икод де лос Винос шаҳрида "аждар дарахти" ўсади. Унинг ёши 1500 га етганлиги тахмин қилинапти. Мазкур дарахтнинг бундай номланishi қадимий афсона билан боғлиқ.

Аждар дарахти Эмишки, у Геркулес ўлдирган юз бошли аждар қони тўқилган тупроқдан униб чиққан. Дарахтнинг турдошларидан фарқи шундаки, шох-шабалар ҳосил қилмайди. Шохсимон устунчалар йиллар ўтиши билан энига йўғонлашиб боради. Уч қисмидаги нисбатан ингичкароқ айрим шохлар худди ҳамла қилишга тайёрланаётган афсонавий аждарлар қиёфасини эслатади.

Мабодо, дарахтга шикаст етказилмаган бўлса, уша жойидан қон оқа бошлайти.

Маннон НАБИЕВ тайёрлади.



Ер юзасининг етмиш фоизи сув билан қопланган. Унда чучук сувлар улуши эса атиги икки фоизни ташкил этади. Айнан шу омил, қолаверса, дунё аҳолиси сонининг муттасил ошиб бораётгани ичимлик суви масаласи йил сайин долзарб аҳамият касб этиб боришини аңглатади. Бу мамлакатимиз учун ҳам муҳим масала саналади. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида бевосита Президентимиз раҳнамолигида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилапти.

Бу ўринда ҳукуматимизнинг тегишли қарори билан мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ барпо этилган Дамхўжа сув ҳавзасини эслашнинг ўзи кифоя, — дейди "Ғарбий-Ўзбекистон гидрогеология экспедицияси" давлат корхонаси бош геологи Зокир Холиқов. — Биласиз, Самарқанд вилоятида жойлашган ушбу иншоот орқали айни дамда Навоий ва Бухоро вилоятларидаги ушлаб аҳоли пунктларига тоза ичимлик суви етказиб берилмоқда. Айни пайтда жойлардаги ер ости сувлари ҳисобидан аҳолини чучук сув билан таъминлаш ҳам зиммамизда турган долзарб вазифалардан биридир.

Мазкур экспедиция жамоаси республикамизнинг ғарбий минтақасида жойлашган Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ҳамда Навоий вилоятлари аҳолисини зилзол сув билан таъминлаш борасида катта тажриба тўплаган. Гидрогеологлар, айниқса, Зарафшон дарёсининг эски ўзанида жойлашган ер ости сувларига алоҳида

Ер остидаги уммон

Эътибор қаратайтилар. Неоген даври ётқизиларидаги бу чучук сув захираларини, таъбир жоиз бўлса, ер остидаги уммонга қиёслаш мумкин. Тошработ гидроузели худудидан бошланиб, Гиждувон, Шофиркон, Пешку, Ромитан ва Жондор туманлари худудларининг бир қисмини эгаллаган мазкур уммон 70 метрдан 200 метргача бўлган чуқурликда жойлашган. Давлат стандартларидаги тўлиқ жавоб берадиган, сифатли ичимлик суви, айниқса, Жилвон қаналя ўтган худудда жуда катта саҳни эгаллайди. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу оралликда унинг кенглиги 15 — 20, узунлиги 40 — 45 километрни ташкил этади. Экспедиция жамоасининг Кўкча ер ости сув конининг

лоқ. Бу давлат стандарти талабларига мос келади. Гидрогеологлар олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Вобкент, Гиждувон, Шофиркон туманлари худудидан неоген ётқизиларидаги минтақавий ер ости сув захираси 43 метр кубдан зиёд. Бу эса шу туманлардаги қишлоқларни сифатли обихаёт билан таъминлаш имкониятларини кенгайтиради. Қолаверса, жойлардаги ер ости чучук сувларини аҳолига етказиш иқтисодий жиҳатдан ҳам самаралидир. У ёки бу қишлоқ худудидан шундай иншоот барпо этиб, бир неча аҳоли пунктини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мумкин. Бу серхаражат лойиҳаларни амалга оширишдан воз кечиш, катта миқдордаги маблагни тежаш имконини беради.

остидаги катта стратегик бойлик — чучук сув захираси билан ҳам сийланади. Галдаги вазифа ундан оқилонга, ўз ўрнида фойдаланишдир. Биз аҳолининг ичимлик сувига бўлган талабини янада тўлиқроқ қондириш мақсадида гидрогеологик ишларни давом эттиришимиз.

Сўхбатдошимиз ҳақ. Дунёда, жумладан, мамлакатимизда ҳам тоза ичимлик сувига бўлган талаб йил сайин ошиб бораётган бир паллада биз табиатнинг бу ноёб нъматидан самарали фойдаланишимиз, ҳар қатрасини тежашимиз зарур. Чунки барча табиий бойликлар каби ер ости чучук сувлари ҳам чегараланган.

Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Маълумки, арча бошқа дарахтларга нисбатан йил давомида яшил ҳолатда бўлиши билан алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, у атроф-муҳит мусофоллиги ва инсон саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга дарахтлардан бири ҳисобланади.

РУХИЯТ ҚУВВАТИ

Бугун Боботоғга йўл олган кишининг кўзи дастлаб ўрол муаллимнинг ям-яшил бўлиб ястаниб ётган боғларига тушади. Саратоннинг айни жазирасида ўт-ўланлар қовжираб қолган паллада ҳам гурқураб ўсаётган писта дарахтлари тоғларга янада кўрк бағишлаб турибди. 10 гектар майдонни эгаллаган ушбу боғ тўлиқ ҳосилга киргани, айниқса, эътиборга моликдир.

Жончекка қишлоғилик ўрол Кокиловни Узн туманида кўччилик яши танийди. Узоқ йиллар тумандаги мактабларда ўқитувчилик қилган, тибиб-тинчмайидан бу инсон — табиатнинг чин шайдоиси ва жонқуяри. Яшилликка ошно тутинган муаллим ҳаётини боғлар, дарахтзорлар яратишга бағишлади. Меҳнат фаолияти даврида қаерга ишга юборилмасин, албатта, у уша жойда катта-катта арчазор ва гулзорлар барпо қилиб, мактаблар ҳовлисини яшилликка буркади.

Ишчан ва тажрибали муаллимнинг орзулари, айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида рўёбга чиқди. Аникроғи, у бундан ўн тўрт йил муқаддам "Ўрол Кокилов" фермер хўжалигини ташкил этиб, пистазорлар бунёд этишга киришган эди. — Писта дарахтини парвартириш осон эмас, — дейди туман табиатни муҳофазаси бўлиши инспекцияси бошлиги Насрулло Пирназаров. — Чунки мевасини шифобоғга қилиш даровор саналган бу дарахт ниҳоли жуда нозик бўлади: иссиққа ҳам, совуққа ҳам чидамсиз. Шу боис ўрол муаллим дастлаб кўчатларни шахсий томорқасида елим идишларда ўстирди. Адирларда кўчатлар учун куз ойларида қовлаб қўйилган хандаклар қиш давомида қор ва ёғим сувига


кириди. Шунданми, пистазор ташкил этаётганимизда, "Э-хе, бу дарахтлар қанч ҳосилга қирадию унинг мевасини қанч ейсиз?" дегувчилар кўп бўлди. Сабр-қаноат билан меҳнат қилдик. Мана, самарасини кўраймиз. Бир пайтлар елим идишларда қўқартрилган икки қулоқ нозик ниҳоллар бугун катта дарахтларга айланган. Ям-яшил пистазорларим шигил-шигил ҳосил бермоқда.

Ўрол муаллим ердан оқилонга фойдаланишнинг ҳам ҳадисини олган. Писта кўчатлари дарахт бўлгунга қадар қатор ораларига равоч, қўзқорин, ис-малок ҳамда зира уручларини экиб, улардан яшигини даромад кўради.

Шифобағш бодомнинг серҳосил навларини ҳам кўпайтириш билан шуғулланаётган тажрибали боғбоннинг нияти эндиликда зайтун ва зирк дарахтларини экиб, фармацевтикада талаб катта бўлган ноёб хом ашё етказиб беришни йўлга қўйишдир.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ибрат



Бобокалонимиз Абу Али ибн Сино райхон ҳақида шундай дейди: "У янчилик, ёки ёи олинб, мал-ҳам қилиб бавосилга суртилса, фойда қилади". Шунингдек, унинг суртмаси кўзининг лўққиллашини тўхтатиши, эми-зикли она сутини кўпайтириши, ичти тўхтатиши, пешоб ажраллигини яхшила-ши аниқланган. Райхоннинг муат-тар ҳиди зарарли ҳашаротларнинг қу-шандаси ҳисоблана-ди. Шунинг учун қушлар ин қуришда райхон поясидадан фой-даланади. Ўзбек ошхонасида райхон ошқўк ва зирвор сифатида ҳам қадрланади. У гўшти ва ёғли массалиқларга таъм беришда ишлатилади. Райхон фойдали моддалар-га бой. Хусусан, унинг тарки-бида 1-5 фоиз эфир мойи, 5 фоиз танин, сапонин, хуш-ёқар маза берувчи омиллар, органик кислоталар, турфа дармондори ва маъданий унсурлар мавжуд. Уй шароитида райхондан қуйидагиларни даровор дахлама тайёрлаш мумкин: 2 чой қошиқ миқдорига майдаланган рай-хон бир ёки икки стакан қайноқ сувга дахламлади. Райхонни қора чой билан омикта қилиб ичиладиган бўлса, давоси янада ошади. Дано ХЎЖАЕВА, олий тоифали доришунос.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Африка туяқуши қушлар орасида энг йириги деб тан олинган. Унинг бўйи 3 метр бўлиб, вазни 100 килограмм, тухуми эса салкам 1,5 килограммга тенг. Бу парранда соатига 60-70 километр тезликда югуради, аммо уча олмайти.

Энг митти куш нектархўр, яъни қолибри ҳисобланади. Унинг оғирлиги бор-йўғи 1,5 грамм-дир.

Япон қовоғариси энг катта ари деб эътироф этилган. Ушбу ҳашаротнинг узунлиги 7 сантиметр бўлса-да, қориндан отилиб чиқадиган захар, ҳатто, одамни ҳам нобуд қилади.

Энг узоқ вақт сувсиз юра оладиган жон-зот нима, биласизми? Каламуш!

«Қизил китоб» саҳифаларидан

Табиатда ҳар бир турнинг ўз ўрни бор. Улардан бирининг қамайиши катта йўқотиш-ларга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис қамб-лашиб бораётган ҳайвонот ва ўсимлик дунё-сини муҳофазаси қилиш ҳар биримизнинг бурчимизга айланмоғи керак.

Типратикан

Узн игнали қирғи ҳам алоҳида эътиборга муҳтож жониворлар сирасига кириди. Негаки, кейинги йилларда уларнинг сони тобора қисқариб борапти. Мутахассисларнинг айти-шича, юртимиз учун қирғилар сони 200 — 300 мингга бўлса, барқарор ҳисобланади. Аммо сел, сув тошқини каби табиий офатлар, йирткичлар таъқиби, эңг аңчирини, антропоген омил таъсирида бу митти жониворлар тўдаси кескин қамайиб кетган.

Одатда қирғилар текислик, ботиклар ва қолдик тоғлар, дараларнинг арчалар билан қопланган қуйи қисмларида яшай-ди. Тунда фаол бўлиб, кундузи уяларида беркиниб ётади. Асосан, ҳашаротлар, сичқонсимон кемирувчилар, судралиб юрувчилар, баъзан туҳум ва жужалар билан озикланади. Май ойида олтигача болаёлади.

Табиий худудларнинг ўзлаштирилиши узун игнали қирғиларнинг яшаш учун ноқулай жойларга кўчиб ўтишига олиб келапти. Оқибатда уларнинг қўлайиш сурьати тобора пасайиб бормоқда. Мамлакатимизда қирғиларнинг ушбу тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган бўлиб, овлаш тақиқ-ланган. "Нурота" ва "Зомин" кўриқхоналари, Қуйи Амударё биосфера резерватида алоҳида муҳофазаси остига олинган.



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 78 179 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.



ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.



Тахриятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахрият жавобгар эмас. Газета тахрият компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи қотиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — С. Махсумов. Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси